

Бугунги сондан иқтибослар:

Шоир билан сирлашган, асл мақсадини англаган одам, айниқса, у ёш бўлса, унинг қалбу шуурига ҳалоллик, жасорат, ватанпарварлик, мустақкам эътиқод туйғулари Пўйрозу Дабуру Самумдек ёприлиб киради.



Аллома кунига учтадан дошқозонда таом тайёрлатиб, камбағалларга тарқатган. Ўзи миниб юрган отнинг тақасини олтиндан ясашиб, миҳ ўрнига отнинг туёғини оддий чўп билан қоқтирган экан. Бундан мақсад...



Одамзот қилғиликни қилиб қўйиб, айбни шайтонга тўнқаш қадим-қадимлардаёқ одат тусини олган. Балки бу гал шайтондан ҳам хижолат тортиб, ҳаммасини қулоғи яхши эшитмайдиган кўршапалакка ағдараётгандирмиз?..

Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2020 йил
12 сентябрь

ШАНБА
№ 61 (13322)

@haqiqatonline

Кутуббилимиз амолимиз тилимиз – толеимиз

Кутлуғ сана олдидан

Вилоятимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 31 йиллиги олдидан турфа тadbирлар, маърифий анжуманлар давом этмоқда. Ана шундай мулоқотлардан бири кунга кеча Нурафшон шаҳридаги "Ёшлар маркази"да ташкил этилди. Кутубхонлик тарғиботи орқали она тилимиз жозибаси, унинг қадим илдизлари ва бугунги мавқеини мустақкамлашга бағишланган тadbир ташаббускорлари Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда "Турон" ахборот-кутубхона маркази бўлди. Унда ҳудудлардаги 21 та АКМ раҳбарлари ва кутубхон ёшлар Zoom дастури орқали онлайн равишда жонли мулоқотга киришдилар.



Нозим АБДУЛЛА олган суратлар

юксатиришда кутубнинг ўрни, ўзбек адабий тилининг жозибадорлиги, ҳозирги пандемия шароитида замонавий технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда кутубхонликни кенг тарғиб қилиш борасида ўз фирму-мулоҳазаларини баён этдилар.

ахборот-кутубхона марказлари раҳбарлари кутубхона ишини ташкил этиш мавзусидаги слайдлари билан қатнашиб, ўз тажрибаларидан ўртоқлашдилар.

Яқунда бир гуруҳ фаол ахборот-кутубхона марказларига Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан тақдим этилган 10 жилдлик журналистикага оид китоблар тўплами тортиқ этилди.



Маърифий анжуманда "Жаҳон адабиёти" журнали бўлим муҳаррири, шоир Даврон Ражаб, вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи Зарифа Эралиева ва бошқалар ишон маънавияти ҳамда дунёқарабини

маърифий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи Зарифа Эралиева ва бошқалар ишон маънавияти ҳамда дунёқарабини

Тadbирнинг амалий машғулотлар қисмида Ангрен шаҳри, Бўка, Зангиота, Пискент туманлари

НАЖОТ ЙЎЛИ

ЁХУД

коронавирусга қарши курашда ғалаба оstonасида турган профессорнинг сирли ўлими

Коронавирус пандемияси дунёни ўнгсиз аҳволга солиб қўйди. Бир қарашда, бу қадар кенг қўламли муаммо бошида тожи билан текис жойда, ҳаёт ўз ўзанида бир маромда давом этаётган, тинчлик-тотувликдан баҳраманд одамлар уй қураётган, тўй қилаётган, болалари билан саёҳатга чиқаётган, даласига уруғ қадаётган пайтда юзага чиқди. Оддий иситма ва йўтал бундай даҳшатли оқибатларга олиб келишини ҳеч ким кутмаган эди. Оғир зарба бўлди бу пандемия.



Инсон ўзинг

Таникли вирусолог Карин Мёллингнинг 2018 йили "Альпино Паблшер" нашриётида чоп этилган "Душманлигиндан кўра дўстлиги кўп вирус" номи китобида ёзилишича, гарчи инсон организмда фойдали вирус ва бактериялар мавжудлигини, улар ҳудди ишчи асарларидай тиним билмай меҳнат қилишларини билсамда, муаллифнинг айрим фикрлари эътиборимни тортиди. "Вирусология соҳасида кўп ишладим, изландим, машҳур олимларнинг тадқиқотлари билан танишдим, фикрларини тинладим, – деб ёзади муаллиф. – Биз узок вақт вирусларни ўта хавфли, бузғунчи, тоқат қилиб бўлмайдиган даражадаги яратилар, деб ўйлаганмиз. Аммо, тан олишимиз керакки, аслида, улар бундай эмас. Вируслар – генимизнинг бир қисми. Микроорганизмлар ва вирусларнинг фойдали жиҳатлари кўпинча эътиборимиздан четда қолади, уларга нисбатан салбий муносабатимизни ўзгартиришимиз керак. Чунки, улар жуда узок вақт давомида муттасил ғайрат билан бизни бу даражамизгача кўтаришди".

Вируслар ҳақидаги билимларимиз кун сайин такомиллашиб бораётир. Янги-янги ҳақиқатлар кўп бўлган ҳақиқатлар билан бир қаторда, тирлик бор бўлган ҳамма жойда мавжуд экан, генларга ёпишиб, мутация жараёнига туртки бериш, шакл-шамойилини ўзгартириш, ўларидан бошқа бир ёпишмани тўқимадан олиб ташлаш ва ҳатто, генларни бир-бирига қўшиб юборишга ҳам қодир эканлар. Олимларнинг эътирофича, масалан, онковирлар баъзи ҳолларда зарарланган тўқимани даволашда яхшироқ ҳам мумкин экан. Демакки, вируслар фақат зарарли эмас. Уларнинг "ҳаёти", яшаш фалсафаси гоят мураккаб, эволюцияси жуда узок. Баъзи функциялари фидойи табибларни эслатади. Ҳақ талаб қилмай, беминнат ишлашди, чарчоқ нимадигини билишмайди. Янада муҳими, бу жонотлар учун орадан ўтаёт-

ган миллион-миллион йилларнинг мутлақо ахамияти йўқ, улар яшашда, ҳаракатда, ижобий ва салбий фаолиятда давом этавердилар. Олимлар ҳатто ядро реакторларида ҳам вируслар яшашини аниқлашган. Берлиндаги табиатшунослик музейида сақланаётган суяк скелет бундан 15 миллион йил аввал яшаган динозаврга тегишли. У суякни емирувчи ўта хавфли вирус туфайли ўлган. Ер юзиде 300 миллион йил аввал ҳам вирус бўлган. Океан сувларида шунча вақтдан бери вирусларни ўта хавфли, бузғунчи, тоқат қилиб бўлмайдиган даражадаги яратилар, деб ўйлаганмиз. Аммо, тан олишимиз керакки, аслида, улар бундай эмас. Вируслар – генимизнинг бир қисми. Микроорганизмлар ва вирусларнинг фойдали жиҳатлари кўпинча эътиборимиздан четда қолади, уларга нисбатан салбий муносабатимизни ўзгартиришимиз керак. Чунки, улар жуда узок вақт давомида муттасил ғайрат билан бизни бу даражамизгача кўтаришди".

Вируслар ҳақидаги билимларимиз кун сайин такомиллашиб бораётир. Янги-янги ҳақиқатлар кўп бўлган ҳақиқатлар билан бир қаторда, тирлик бор бўлган ҳамма жойда мавжуд экан, генларга ёпишиб, мутация жараёнига туртки бериш, шакл-шамойилини ўзгартириш, ўларидан бошқа бир ёпишмани тўқимадан олиб ташлаш ва ҳатто, генларни бир-бирига қўшиб юборишга ҳам қодир эканлар. Олимларнинг эътирофича, масалан, онковирлар баъзи ҳолларда зарарланган тўқимани даволашда яхшироқ ҳам мумкин экан. Демакки, вируслар фақат зарарли эмас. Уларнинг "ҳаёти", яшаш фалсафаси гоят мураккаб, эволюцияси жуда узок. Баъзи функциялари фидойи табибларни эслатади. Ҳақ талаб қилмай, беминнат ишлашди, чарчоқ нимадигини билишмайди. Янада муҳими, бу жонотлар учун орадан ўтаёт-

Ҳамкорлик

Мақсад –

КАСАЛЛИКНИ

ЭРТА БОСҚИЧДА АНИҚЛАШ



Маълумки, замонавий онкология соҳасини юқори технологик диагностика ва даволаш жиҳозларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кейинги йилларда мамлакатимизда онкологик касалликларни эрта босқичда аниқлаш ва даволаш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, салкам бир асрлик тарихга эга Тошкент вилояти ўсма касалликлар диспансерининг моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Жумладан, диспансер Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 483,6 миллион сўмлик замонавий видеоэндоскопия тўплами, сунъий нафас олиш аппаратлари, электрокоагуляторлар, электровакуум сўргичлари,

назорат мониторлари ва бошқа зарур тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган.

– Клиникамиз қошида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг "Онкология ва ультратовуш диагностикаси", Тошкент тиббиёт академиясининг "Хирургик стоматология" кафедралари фаолият кўрсатиб келмоқда, – дейди диспансер директори, тиббиёт фанлари доктори Абдулла Абдуҳақимов. – Шунингдек, жамоамиз-

да 6 нафар тиббиёт фанлари доктори, 10 нафар тиббиёт фанлари номзоди, 19 нафар олий тоифали шифокорлар аҳолига онкология касалликлари бўйича тиббий ёрдам кўрсатиб келишмоқда. Бугунги кунда диспансерда 240 ўринли стационар, поликлиника, 10 та клиник ва 3 та кенг қўлама таҳлиллар ўтказадиган диагностика бўлимлари фаолият юритмоқда.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

(Давоми 4-саҳифада) ▶

Яхши хабар

300 та

иш ўрни яратилади
Тошкент вилояти ҳокими Р. Холматов ва Қибрай тумани ҳокими М. Мирқосимов хоррижлик инвесторга тегишли "LWAYWAY FOOD" масъулияти чекланган жамияти лойиҳаси бўйича амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишишди.
Ўрганиш жараёнида вилоят ҳокими инвесторлар ва қурилиш ташиқлотларига тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди.
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, лойиҳа қиймати 10 миллион АҚШ доллари бўлган мазкур корхонанинг қурилиш ишларини жорий йил охиригача якунлаш белгиланган.
Ушбу лойиҳа орқали 300 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

ДАВРАТИ
ШОИР
ОВОЗИ



Шавкат Раҳмон билан бир неча бор кўришганман, суҳбатлашганман, маслаҳат олганман. Аммо, у киши мен туғилишимдан икки йил аввал бў ёрғу оламини тарк этган.

4

ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

НУРАФШОН шаҳрида инвестиция лойиҳаларининг навбатдаги тақдими ўтказилди.

Шаҳар ҳокими Қаҳрамон Ҳақимов ва вилоят ҳокимининг Инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосари Жамшид Абдусаломов амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари билан танишишди. Шаҳарда 2020-2021 йилларда сановат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш йўналиши-



да жами 17 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 52 млрд. 567 млн. сўмга тенг. Ҳозир вилоят маъмурий марказининг қиёфаси бутунлай ўзгариб, янгидан-янги сановат корхоналари бунёд этилапти.

ОҚҚҮРҒОН тумани ҳокимлиги, туман прокуратураси, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази

Карантин қоидаларига амал қилинган ҳолда ўтказил-


зи ташаббуси билан бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

ган тadbирда тумандаги 49 та корхона, ташкилот ва муассасалар 593 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди.



БЕКОбОД туманидаги "Тез тиббий ёрдам" бўлимига 4 та автомашини келтирилди.

3 та "Дамас" русумли автомашини вилоят ҳокимлигидан туҳфа бўлди. Туман ҳокимлиги томонидан эса 1 донa Volkswagen русумли реанимобиль хари-



дид қилинди. Шунингдек, мазкур бўлимда аҳоли хонадонларига қатнаш учун 2 та кўшимча бригада ташкил этилди.

ЯНГИЙЎЛ тумани ҳокимлиги, "Маънавият ва маърифат" ҳамда Халқ таълими бўлимлари ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан эълон қилинган "Ранглар жилосида – она диёр!" мавзусидаги расмлар танловида ўзларининг ижодий ишлари билан онлайн тарзда қатнашган ўғил-қизлар орасидан иқтидорлилари саралаб олинди, натижалар эълон қилинди. Ҳолилар туман ҳокимининг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Пахта – 2020

ҲАРАКАТ ҚИЛГАН ХИРМОН УЯДИ



Ўрта Чирчиқ туманидаги “Бекзоджон агро плюс” фермер хўжалиги далаларида пахта терими бошланди.

Вилоятда бу йил 73 минг гектар майдонда ғўза парвариш қилинган бўлиб, 31,5 центнердан қимматбаҳо саноат хом ашёси етиштириш кўзда тутилган. Жами 229,6 минг тонналик пахта хирмони бунёд этиш режалаштирилган.

Хусусан, Ўрта Чирчиқ туманида 2020 йилда жами 22 минг 252 тонна пахта ҳосили етиштириш белгиланган бўлиб, ўртача ҳосилдорлик 30,8 центнерни ташкил қилади. Жорий йил ҳосили учун ўртача ҳосилдорлики 40 центнерга етказиш кўзда тутилган.

Ўз мухбиримиз

Биринчи теримга тушилиши муносабати билан фермер хўжалигига таширф буюрган Қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Шухрат Тешаев, вилоят прокурори Салом Самадов, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ботир Алимбеков, туман ҳокими Олимжон Нурматов ва турли ташкилотлар раҳбарлари пахтакорларга куч-қувват тилашди.

Вилоят қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг таъкидлашича, жорий йилда пахта далаларида барча агротехник тадбирлар тизимли амалга оширилди. Хусусан, ғўзанинг серҳосил, эртапишар, турли касаллик ва зараркундаларга чидамли “С-6524”, “Султон”, “Наманган-77”, “Порлок”, “Бухоро-102” навлари парваришланди.

Мақсад –

КАСАЛЛИКНИ ЭРТА БОСҚИЧДА АНИҚЛАШ

Диспансер поликлиникаси илгари 70 мингга яқин беморларни қабул қилиш имкониятига эга.

Таъкидлаш жоизки, диспансер раҳбарияти кўп йиллардан бери Япония ҳукуматининг “JICA” ташкилоти билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Кўни кеча шу ҳамкорликнинг яна бир намунаси сифатида диспансерга мазкур ташкилотдан энг сўнгги русумдаги замонавий “Shimadzu Flexavision F3” рентген диагностикаси ускуналари тўплами топширилди. Шу муносабат билан йиғилганларга мазкур ускунанинг ишлаш услуби ва устунликлари (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



намойиш этилди.

– Бундай замонавий ускуна ёрдамида онкологик касалликларни эрта аниқлаш, олдини олиш ва ўз вақтида даволаш имконияти янада ошади, – дейди рентгенология бўлими мудир Иzzатилла Тўхтаматов. – Ҳозирги кунда мазкур замонавий аппарат-

ларда ишлаш учун шифохона малакали мутахассислар билан тўлиқ таъминланган ва амалий иш тажрибасига эга. Гувоҳи бўлганингиздек, янги рентген аппаратида биринчи беморимиз – Пискент тумани, Ҳамза номли маҳаллада истиқомат қилувчи Умринисо Абдурахимовани кўриктан ўтказдик. Қутилганидек, ускуна жуда яхши ишлапти. Тақдим қилинган замонавий ускуна ёрдамида диспансер шифокорлари вилоят аҳолисига янада сифатли ва малакали хизмат кўрсатишади.

Кумуш САЛОМОВА
/Тошкент ҳақиқати/
Аброр ЭСОНОВ
олган суратлар

Вилоят ҳокимлигида

“Ўзбекистонда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик” мавзусида семинар ўтказилди. Унда вилоят Касаба уюмлари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши мутасаддилари, туман ҳокимларининг ўринбосарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳамда депутатлар иштирок этишди.

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Сўнгги йилларда Президентимиз томонидан республикамизни янада ривожлантириш борасида ҳар бир соҳада кенг қамровли илохотлар олиб борилмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалик соҳасида, пахта хом ашёсини йиғиб-теришда мажбурий ва болалар меҳнатидан фойдаланишга батамом барҳам берилди.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, Ўзбекистонда болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга тўлиқ йўл қўйилмаслиги белгиланиб, бу борада давлат органлари ишдаги тизимли камчиликлар бартараф этилди.

Мазкур мулоқотда пахта терими жараёнида мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик, кластер ва фермер хўжаликлари томонидан бугунги вазиятдан келиб чиққан ҳолда теримчиларга муносиб шароитлар яратиб бериш бўйича амалга ошириладиган ишлар муҳокама қилиниб, зарур вазифалар белгилаб олинди.

Семинар давомида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши вакили Л. Туркиова, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши вакили Х. Умаров ҳамда Федерация Кенгашининг Тошкент вилояти бўйича меҳнат техник инспектори Ш. Ҳазратқуловнинг маърузалари тингланди. Бундан ташқари, иштирокчиларга зарур тавсиялар берилиб, услубий қўлланмалар тақдим этилди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Акмал Умаралиев қатнашди.

Ўз мухбиримиз

ҒАЛЛАЧИЛИК: МАЪҚУЛ ВАҚТ – ҲОСИЛ НАҚД



Оҳангарон туманида келгуси йил ҳосили учун ғалла экиш масалаларига бағишлаб ўтказилган тадбирда кечпишар навлар, жумладан, “Гром”, “Антанна”, “Алексеевич”, “Краснодар” ва бошқа навларни 25 сентябрга қадар, эртапишар навларни эса 10 октябрга қадар экиш атрофида муҳокама қилинди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бунинг учун ерни сифатли тайёрлаш, зарур техника воситаларини саз ҳолатга келтириш, ғаллачилик кластерлари ҳамда фермер хўжаликларининг манфаатдорлигини ошириш лозим.



А. МУСАЕВ,
ЎзА

рени мутахассислар билан биргаликда танлаши, сифатига ишонч ҳосил қилиши, тайёрланган ва танланган уруғни кўздан кечириб, туман қишлоқ хўжалиги бўлими билан келишган ҳолда “Оҳангарондон” акциядорлик жамиятига буюртма бериши кераклиги таъкидланди.

Оҳангарон тумани ҳокими Абдувоҳид Турдубоев ҳамда ҳокимнинг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Тўлқин Тўраев иштирок этган йиғилишда келгуси йил ғалла ҳосили учун уруғлик экишга киришишга келишиб олинди.

Ҳозирги кунда Тошкент вилояти халқ таълими тизимида 889 та (14 махсус мактаб-интернат) умумтаълим мактаби, 22 та “Баркамол

авлод” болалар маркази, 2 та Меҳрибонлик уйи ҳамда 1 та Малака ошириш муассасаси фаолият кўрсатмоқда.

КАТТА МАСЪУЛИЯТ ОСТОНАСИДА

Сўнгги маълумотларга кўра, 795 мактаб белгиланган талаблар асосида янги ўқув йилига шай ҳолатга келтирилди ҳамда 77 мактабда тайёргарлик жараёнлари давом этапти. Бундан ташқари, вилоятдаги барча мактабларга дарс жараёнларини ташкил этиш ҳамда кириш-чиқиш схемалари ишлаб чиқилди, биттадан шифокор бириктирилди.

Шунингдек, Инвестиция дастури доирасида жорий йилда жами 16 та мактабда 56 млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиши белгиланган бўлиб, ҳозирда уларнинг 9 тасида режадаги ишлар якунланди. Қолган 7 тасида қурилиш-таъмирлаш жараёнлари давом этмоқда. Қолаверса, халқ таълими муассасаларини 2020-2021 ўқув йилида куз-қиш мавсумига тайёрлаш учун 14 млрд.дан зиёд

маблаг ажратилиб, бугунги кунга қадар жами 122 та таълим муассасасида жорий таъмирлаш ишлари якунланган. Бундан ташқари, вилоятдаги халқ таълими муассасалари учун 6 минг 954 тонна кўмир жамғирли режалаштирилган бўлиб, ҳозирда 4 минг 100 тонна кўмир етказиб берилган.

Бу ҳақда Нурафшон шаҳридаги “Ёшлар маркази”да мактабларнинг янги ўқув йилига тайёргарлик жараёни юзасидан ўтказилган матбуот анжуманида вилоят ҳокимининг Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Акмал Умаралиев маълум қилди.

Тадбирда вилоят халқ таълими бошқармаси ва қатор тегишли ташкилот мутасаддилари, журналистлар иштирок этишди.

Матбуот анжуманида вилоятдаги



мактабларнинг янги ўқув йилига тайёргарлиги борасида амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил қилиниб, бу жараёнда юзага келган муаммолар ва камчиликлар ечими муҳокама қилинди.

– Барча мактабларга бюджет маблағлари ҳисобидан ҳароратни ўлчайдиган ускуна ва антисептик воситалар етказиб берилаёпти, – дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Абдукомол Мамадалиев. – Бунинг учун ўқитувчилардан пил йиғилмайди. Қолаверса, таълим маканларини ичимлик суви билан таъминлаш масаласи ҳам бартараф этилди. Эндиликда вилоятдаги 39 та мактабга сув махсус техника ёрдамида ташиб келтирилади, ичимлик сувида

Жараён

зутилишлар бўлмаслиги учун зарур чоралар кўрилади.

Дарвоқе, анжуманга Паркент тумани сектор раҳбарлари ҳам тақдир этилган эди. Фурсатдан фойдаланиб, ижтимоий тармоқларда тарқалган Паркент бўйича мавзуга доир танқидий материал юзасидан туман ҳокими Ниғмат Муҳамедов ўз муносабатини билдирди.

Туман ҳокимининг айтишича, Паркентда 53 та умумий ўрта таълим мактаби бўлиб, унда 29 минг 204 нафар ўқувчи таҳсил олаёпти. Бундан ташқари, туман ҳокими секторидега инвестиция дастури доирасида Заркент қишлоғидаги 315 ўринли янги мактаб биноси ҳамда спорт зали, прокурор секторидеги 6-мактабда 3 млрд. 701 млн. сўмлик, давлат солиқ инспекцияси бошлиғи секторига қарашли 39-мактабда эса 3 млрд. 900 млн. сўмлик 315 ўринли қўшимча янги мактаб биноси қуриб битказилган.

Шунингдек, туман ҳокими ижтимоий тармоқда тарқалган хабарлар ҳақиқатга тўғри келмаслиги, илдоа аноним шаклда бўлгани сабабли қўшимча суриштирув олиб борилаётганини алоҳида таъкидлади.

Тадбир якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Зухриддин РАҲМОНОВ
/Тошкент ҳақиқати/
Нозим АБДУЛЛА олган сурат

Эълонлар

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2020 йил 14 октябрь соат 10.00 да

ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ



1. ШИ-1 "Юкмули касалликлар шифохонаси – Кумир кони"
2. ШИ-4 "Бекобод Фарҳод чегара блок пости – Бекобод авто чегара блок пости"
3. ШИ-9 "Хаккарман маҳалласи – Болалар шифохонаси" (Ангрен ш.) (такрорий)
4. ШИ-2 й.т. "УМК бозори – Киров кўрғони 16-сонли мактаб" (такрорий)
5. ШИ-5 й.т. "Ширинсой – УМК бозори орқали – 13 даҳа, 90-уй"
6. ШИ-14 й.т. "Бекобод АШБ – Бекобод авто чегара блок пости"
7. ШИ-14 й.т. "Аппартак маҳалласи – Ангрен АШБ" (Ангрен ш.) (такрорий)
8. ШИ-19 й.т. "Ўзбекистон маҳалласи – 5/1 кичик ноҳия"
9. ШИ-22 й.т. "А. Навоий кўчаси – Аммофос ОАЖ"
10. ШИ-24 й.т. "Кўктерак маҳалласи – Ангрен деҳқон бозори" (Ангрен ш.) (такрорий)
11. ВХ-223 "Янгиовул қ.ф.й. – Чирчиқ АББ"
12. ВХ-255 "Навоий ф/у – Бекобод АББ – Зафар АЧСБ"
13. ВХ-319 "Ангрен деҳқон бозори – С. Раҳимов ф/у" (такрорий)
14. ВХ-340 "Ангрен деҳқон бозори – Олмалиқ АШБ" (такрорий)
15. ВХ-344 "Оққўрғон АШБ – Қўйлиқ АШБ (Олимпент орқали)" (такрорий)
16. ВХ-347 "Бўка АШБ – Оққўрғон АШБ" (Бўка томондан) (такрорий)
17. ВХ-347 "Оққўрғон АШБ – Бўка АШБ" (Оққўрғон томондан) (такрорий)
18. ВХ-397 "Олмалиқ АШБ – Бўка АШБ (Қўштепа орқали)"
19. ВХ-398 "Бўка АШБ – Бахмал ф/у" (такрорий)
20. ВХ-405 "Олмалиқ АШБ – Қизил бирлик қишлоғи (Гулистон м.ф.й., Фортепа кўчаси орқали)" (такрорий)
21. ВХ-417 "Янгиобод кўрғони – Тошкент АББ"
22. ВХ-423 "Ҳарбий қисм – Тўйтепа АББ – Қўйлиқ АШБ" (такрорий)
23. ВХ-430 "Ким Пен Хава ф/у – Қўйлиқ АШБ" (такрорий)
24. ВХ-449 "Қўйлиқ АШБ – Ўзбекистон ф/у" (такрорий)
25. ВХ-466 "Абдурахмонов ф/у – Чорсу савдо маркази" (такрорий)
26. ВХ-468 "Дам олиш уйи – Чорсу савдо маркази" (такрорий)
27. ВХ-478 "Фишткўприк чегара блок пости – Чорсу савдо маркази" (такрорий)
28. ВХ-483 "Қултепа маҳалласи – Чорсу савдо маркази" (такрорий)
29. ВХ-501 "Мой қишлоғи – ТТЗ АШБ (Ширин бозори орқали)" (такрорий)
30. ВХ-506 "Бирлик қишлоғи – Чирчиқ АББ"
31. Битта пакет билан:
ВХ-538 "Чирчиқ АББ – Айдарали қишлоғи"
ВХ-538 й.т. "Чирчиқ АББ – Айдарали қишлоғи"
32. ВХ-539 "Ғазалкент – Бўғистон қишлоғи"
33. ВХ-540 "Чирчиқ АББ – Бурчмулла қишлоғи"
34. ВХ-547 "Марказий шифохона – Хондойлик қишлоғи" (такрорий)
35. ВХ-593 "Қибрай тум. ИИБ Салар ШМБ – Чилонзор буюм бозори" (такрорий)
36. ВХ-600 "Бўка АШБ – Қизил Олдуз бўлими"
37. ВХ-226 й.т. "Янгийул АШБ – Чилонзор буюм бозори" (такрорий)

38. ВХ-253 й.т. "Уч ариқ – Марказий касалхона"
39. ВХ-339 й.т. "Олмалиқ АШБ – Қизилой қишлоғи"
40. ВХ-350 й.т. "Ангрен деҳқон бозори – Серго маҳалласи" (такрорий)
41. ВХ-383 й.т. "Бойқозон – Истикбол – Паркент – Бойқозон"
42. ВХ-395 й.т. "Зафар шаҳарчаси – Бўка шаҳри"
43. ВХ-396 й.т. "Оҳангарон АШБ – Қўйлиқ АШБ" (такрорий)
44. ВХ-398 й.т. "Бекобод АББ – Зафар АЧСБ"
45. ВХ-399 й.т. "Дўстлик ф/у – Бойкент маҳалласи"
46. ВХ-403 й.т. "Хондойлик қишлоғи – Ғазалкент АШБ – Чирчиқ АББ" (такрорий)
47. ВХ-405 й.т. "Қизилтоғ қишлоғи – Паркент АШБ" (такрорий)
48. Битта пакет билан:
ВХ-412 й.т. "Оҳангарон АШБ – Убайт – Узар"
ВХ-413 й.т. "Оҳангарон АШБ – Эйвалек – Озодлик" (такрорий)
49. ВХ-420 й.т. "Қўйлиқ деҳқон бозори – Дўстлик маҳалласи – Сурум қишлоғи – Дўстлик қ.ф.й. 11-мактаб"
50. ВХ-430 й.т. "Ким Пен Хава ф/у – Қўйлиқ АШБ"
51. ВХ-434 й.т. "А. Икромов ф/у – Тўйтепа АШБ"
52. ВХ-435 й.т. "Ўзбекистон ф/у – Оқтепа қ.ф.й."
53. ВХ-438 й.т. "Қўйлиқ АШБ – Балиқчи маҳалласи"
54. ВХ-440 й.т. "Нурафшон АШБ – Алмикент кўрғони"
55. ВХ-453 й.т. "Иттифок қ.ф.й. – Чорсу метро АШБ" (такрорий)
56. ВХ-466 й.т. "Абдурахмонов ф/у – Чорсу бозори – Тошкент савдо маркази (ГУМ)"
57. ВХ-470 й.т. "Навоий ф/у – Туркистон метро бекати"
58. ВХ-481 й.т. "Фишт заводи – Чорсу метро АШБ" (такрорий)
59. ВХ-483 й.т. "Баҳор маҳалласи (Наврўз кўчаси) – Чорсу савдо маркази АШБ"
60. ВХ-485 й.т. "Қишлоқ қурилиш коллежи – Кўксарой маҳалласи – Қизгалдоқ қ.ф.й." (такрорий)
61. ВХ-486 й.т. "Келес шаҳарчаси – Уч қахрамон – Шаҳристон бекати"
62. ВХ-489 й.т. "Сабозовот маҳалласи – Чилонзор буюм бозори"
63. ВХ-514 й.т. "Чирчиқ АББ – Янгибозор АШБ"
64. ВХ-524 й.т. "Қибрай АШБ – Чирчиқ АББ"
65. ВХ-527 й.т. "Чирчиқ АББ – Қўйлиқ АШБ"
66. ВХ-529 й.т. "Чирчиқ АББ – Узумзор маҳалласи"
67. ВХ-535 й.т. "Вилоят марказий шифохонаси – ТошДАУ – Чувалачи маҳалласи"
68. ВХ-536 й.т. "Қипчоқ маҳалласи – Қизилту-1 – Тугруқхона (Қибрай)"
69. ВХ-537 й.т. "У. Юсупов (ГОСТР) – ТТЗ АШБ – Наврўз бозори"
70. ВХ-552 й.т. "Қибрай АШБ – ТТЗ АШБ – Фишткўприк маҳалласи"
71. ВХ-557 й.т. "Қизилсув маҳалласи – Ғазалкент АШБ" (такрорий)
72. ВХ-564 й.т. "Байтқўрғон қишлоғи – Ширин бозори орқали"
73. ВХ-603 й.т. "Чирчиқ деҳқон бозори – "М.Улуғбек" шаҳарчаси"
74. ВХ-607 й.т. "Зафар АЧСБ – Мавлонов ф/у"

75. ВХ-608 й.т. "Айдарали қишлоғи – Ғазалкент АШБ"
76. ВХ-612 й.т. "ТошДАУ – ТТЗ АШБ – Ёзувчилар уюшмаси санаторийси"
77. ВХ-613 й.т. "Паркент АШБ – Самсарак қишлоғи"
78. ВХ-627 й.т. "Қуёшли маҳалласи – Вилоят кенг тармоқли шифохонаси"
79. ВХ-621 й.т. "Бўка АШБ – 10 йиллик қишлоғи (Хўжақўрғон орқали)"
80. ВХ-630 й.т. "Қўйлиқ М2 – 4-шаҳар қабристон"
81. ВХ-635 й.т. "У. Юсупов бўлими – Янгийул АШБ"
82. ВХ-638 й.т. "Бекобод АББ – Ғалаба ф/у"
83. ВХ-640 й.т. "Зафар АЧСБ – Бекобод АББ (Ўзбекистон орқали)"
84. ВХ-642 й.т. "Бўка АШБ – Пискент АШБ (Сувти орқали)"
85. ВХ-644 й.т. "Чирчиқ АББ – Оқтош қишлоғи"
86. ВХ-646 й.т. "Зафар АЧСБ – Бекобод АББ (Улуғбек ф/у орқали)"
87. ВХ-657 й.т. "Янгийул деҳқон бозори – Тошкент гўшт комбинати"
88. ВХ-661 й.т. "М.Ўзбекистон ф/у – Олмалиқ АШБ"
89. ВХ-664 й.т. "Зафар АЧСБ – Ўзбекистон ф/у маркази"
90. ВХ-666 й.т. "Бўзсув ф/у – Ибрат МФЙ – Фарҳод деҳқон бозори"
91. ВХ-668 й.т. "Бўка АШБ – Бўстон маҳалласи"
92. ВХ-669 й.т. "Лубазовод – Қўйлиқ АШБ"
93. ВХ-671 й.т. "Янгибозор АШБ – Чилонзор буюм бозори"
94. ВХ-681 й.т. "Ангрен АШБ – Нурафшон АББ"
95. ВХ-685 й.т. "Олмалиқ АШБ – Тошкент вилояти педагогика институти"
96. ВХ-686 й.т. "Қирғизовул МФЙ – Янгибозор АШБ"
97. ВХ-688 й.т. "Агро Элита боғи – Чинобод маҳалласи – Чирчиқ АББ"
98. ВХ-689 й.т. "Мунчоқтепа маҳалласи – Оҳангарон сув оқова бошқармаси"
99. ВХ-690 й.т. "Маърифат маҳалласи – Қўйлиқ деҳқон бозори"
100. ВХ-692 й.т. "Оққўрғон АШБ – Қўйлиқ АШБ"
101. ВХ-693 й.т. "Дўстлик МФЙ – Ҳақиқат қишлоғи – Янгийул деҳқон бозори"
102. ВХ-694 й.т. "ТТЗ АШБ – Фишткўприк маҳалласи"
103. ВХ-695 й.т. "Уяли (Ҳамза) ф/у – Оққўрғон деҳқон бозори"
104. ВХ-721 й.т. "Бўзсув ф/у – Ибрат маҳалласи – Чинни бозор"

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарорларига асосан, очик тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудда рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортда тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташишлари амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия карточкаларига

эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситаларни ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас. Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабдорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди. **Тендер ташкилотчиси** – Тошкент вилояти ҳокимининг 2020 йил 12 августдаги 345-сонли қарори билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

Комиссия манзили:
Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, "Бектемир" МФЙ, "Яшил водий" кўчаси, 189-уй.
Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳисоб рақамига АТБ "Ипотека банк" Чилонзор бўлими, х/р: 4014108604262773422967279 (банк коди: 00997, СТИР: 202811527)га 50 минг сўм миқдорда маблағ ўтказиб,

2020 йил 9 октябрь соат 17.00 гача буюртма беришлари ва тендер ҳужжатлари пакетини олишлари лозим. Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2020 йил 13 октябрь соат 17.00 гача қабул қилади. **Тендер ўтказиш манзили:**
Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, "Бектемир" МФЙ, "Яшил водий" кўчаси, 189-уй.
Маълумот учун телефон:
(+99871) 202-05-00 (214).

Диққат!

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очик аукцион (www.e-auksion.uz) савдоларига таклиф этади.
Электрон онлайн очик аукцион савдоларига куйидаги давлат активлари куйилади.

№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Балансда сақловчи	Объектнинг (шақланган) сотиш қиймати (сум ва фойз куришида)
1	"STROYMAX INVEST" МЧЖ 20 фойз улуши	Ангрен шаҳри, Нуробод кўрғони	"STROYMAX INVEST" МЧЖ	2 972 711 436,20

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.
Электрон онлайн-аукцион савдолари 2020 йил 8 сентябрдан бошлаб, объектнинг жойлаштирилиши кунига қараб, ҳар 15 кун муддатда соат 9:00 дан 18:00 гача ўтказилади.
Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.e-auksion.uz сайтлари орқали олиш мумкин.
Мурожаат учун манзил: 100072, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уй.
Маълумот учун телефонлар: (95) 340-80-10, (71) 293-90-59.
E-mail: toshvil@davaktiv.uz
Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.davaktiv.uz, www.toshvil.uz

Ҳурматли тadbиркорлар ва ишбилармонлар!
Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат активларини бошқариш агентлиги (0-371) 259-21-37 ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (95) 534-80-10 рақамли Ишонч телефонларига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.
Савдоларга марҳамат қилинг!

Диққат!

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очик аукцион (www.e-auksion.uz) савдоларига таклиф этади.
Электрон онлайн очик аукцион савдоларига куйидаги давлат активлари куйилади.

№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Балансда сақловчи	Таклиф этилаётган шартлар			
				Объект ташкил этиладиган мажбурий фаолият тури (мавжуд бўлса)	Инвестициянинг бажариш муддати	Объектда яратилган янги иш ўринлари сони	
1	Эски ҳаммом биноси	Оҳангарон тумани, "Гўштсой" МФЙ	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	Амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган тadbиркорлик фаолият тури	20,0	6 ой	2

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.
Электрон онлайн-аукцион савдолари 2020 йил 8 сентябрдан бошлаб, объектнинг жойлаштирилиши кунига қараб, ҳар 15 кун муддатда соат 9:00 дан 18:00 гача ўтказилади.
Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.e-auksion.uz сайтлари орқали олиш мумкин.
Мурожаат учун манзил: 100072, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уй.
Маълумот учун телефонлар: (95) 340-80-10, (71) 293-90-59.
E-mail: toshvil@davaktiv.uz
Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.davaktiv.uz, www.toshvil.uz

Ҳурматли тadbиркорлар ва ишбилармонлар!
Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат активларини бошқариш агентлиги (0-371) 259-21-37 ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (95) 534-80-10 рақамли Ишонч телефонларига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.
Савдоларга марҳамат қилинг!

Диққат!

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очик аукцион (www.e-auksion.uz) савдоларига таклиф этади.
Электрон онлайн очик аукцион савдоларига куйидаги давлат активлари куйилади.

№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Балансда сақловчи	Таклиф этилаётган шартлар			
				Объект ташкил этиладиган мажбурий фаолият тури (мавжуд бўлса)	Объектга киритилган инвестициянинг энг кам миқдори (сум)	Инвестициянинг бажариш муддати	Объектда яратилган янги иш ўринлари сони
1	Ноту-раржой биноси	Бекобод шаҳри, "Тинчлик" МФЙ, 3-даҳа, 19-уйнинг 1-қавати	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	Амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган тadbиркорлик фаолият тури	246 271 000,0	0	0

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.
Электрон онлайн-аукцион савдолари 2020 йил 8 сентябрдан бошлаб, объектнинг жойлаштирилиши кунига қараб, ҳар 15 кун муддатда соат 9:00 дан 18:00 гача ўтказилади.
Савдоларда ишти-

рок этиш учун қўшимча маълумотларни www.e-auksion.uz сайтлари орқали олиш мумкин.
Мурожаат учун манзил: 100072, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уй.
Маълумот учун телефонлар: (95) 340-80-10, (71) 293-90-59.
E-mail: toshvil@davaktiv.uz
Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.davaktiv.uz, www.toshvil.uz

Ҳурматли тadbиркорлар ва ишбилармонлар!
Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат активларини бошқариш агентлиги (0-371) 259-21-37 ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (95) 534-80-10 рақамли Ишонч телефонларига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.
Савдоларга марҳамат қилинг!

Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси жамоаси уюшма аъзоси, рангтасвирчи рассом
Эркин АЗИЗОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ДАРЁДИМ ШОИР ОВОЗИ

Алдамайман, кўришганман. Бир гал шоир Аравонни кезаётган вазмин зобит, бир гал минг оғоч нарида чинкириб ётган поллапонга одами кўлини узатган ҳамроз, бир сафар Сулаймон тоғ этакларида яшаб бир умр тоққа чиқмаган одами кўрганидан хайратда қолган суҳбатдош бўлиб, ўз кечинмаларидан сўзлади менга. Шунингдек, ярим тунда ҳам, қоқ пешинда ҳам ёнига олиб, ёвга терс қарама, жисмингда жон бўлса, ундан ҳазар қил, узокроқ тикилгил ўзинга, одам, кучли қанотларга эга бўли, шунда қафасларни ҳам кўтариб учоласан дея менга жуда кўп маслаҳат берган. Бироқ, ҳар сафар кўришганимизда бошқа-бошқа кифеда эмас, якто шахс сифатида кўринди. Бир гапирган сўзини иккинчи марта гапирмади. Ўзи бошқа, сўзи бошқа бўлмади.

Бир ой аввал сувлаётган отларни узок кузатдим. Улар жим, зийрак, шаклга қамалиб қолган аланга мисол вазмин ёнарди. Назаримда бутун тулпор қавми Шавкат Раҳмон деган бир ўжар шур келади-ю, бизни шеържа солади дея худди шундай сувлайди. Баланд овозли, дарё

қалб шоирдан бўйлари узун бўлгани учун дарахтлар ҳам хи-жолат чеккан бўлса, не ажаб?! Шоир билан сирлашган, асл мақсадини англаган одам, ай-ниқса, у ёш бўлса, унинг қалбу шуруига ҳалоллик, жасорат, ва-танпарварлик, мустаҳкам эъ-тиқод туйғулари Пўйрозу Дабу-ру Самумдек ёприлиб киради. Бу шамоллар бир лаҳзада

қилди. Унда Ўзбекистонда хиз-мат кўрсатган маданият ходими Кутлибека Раҳимбоева, адаби-ётшунос Баҳодир Карим, Азиз Саид ва Эшқобил Шукур каби таниқли шоирлар ҳамда ёшлар шоир шеърятини ва шахсияти ху-сусида дилдан суҳбат курдилар. Кескир сўзлар, назмий ваз-минлик буюк қалб чорловлари бўлиб чор атрофга босиқ оҳанг



Шавкат Раҳмон билан бир неча бор кўриш-ганман, суҳбатлашганман, маслаҳат ол-ганман. Аммо у киши мен туғилишимдан икки йил аввал бу ёруғ оламни тарк этган.

кўрқоқлик оғочларини кўпо-риб, ички хоинлик дарёларини қуришиб, майдакашлик арқонла-рини узиб кетади. Ана шундай шоир ва унинг мисралари ҳар бир кўнгилда яшаса, юрда бир сўзли, ҳалол ва мард кишилар бўляди.

Бу йил Шавкат Раҳмон тавал-лудининг 70 йиллиги кенг нишон-ланади. Буни нафақат юртимиз-даги, балки кўшни Қирғизистон, Тожикистон, қолаверса, бутун дунёдаги шеърят ихлосманда-ларининг илиқ кайфиятидан билса бўлади. Кечагина шоирни кўрган, унинг ижоди юзасидан илимий ишлар олиб борган олим-лар, ҳамкасблари ҳамда бир гу-руҳ ёш шоирлар Адилбар хиббо-нига йиғилди ва Шавкат Раҳмон ҳақида суҳбатлашиб, мушоира

дек ёйилди. Ҳаммада бўлгани-дек, менинг ҳам эътиқодим суст-лашиб, адолатсизликлар ёнидан кўз юмиб ўтишга мажбур бўлган, аммо лом-мим демасдан қолган дамларим ўтган. Шундай чоғлар-да Шавкат Раҳмон мутолаасига берилмаман. Бир оздан сўнг руҳий қувватим ошиб, фикрларим тек-тиклашиб, ҳаётга яна теран ни-лаҳ, жиддий мулоҳаза ила қарай бошлайман.

Бутун умр Ватан ва миллат тақдирини билан ҳамнафас аш-шанг шоирнинг эркин қарашлар, қатъий қарорлар, меҳрибон туй-ғуларига тўла овози ҳали узок йиллар борлигини тўлдириб учи-шига ишончим қомил.

Шахриёр ИБРАГИМОВ
Тошкент ҳақиқати

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ: Арсона ва ҳақиқат

Халқимиз азал-азалдан олим, фозил, солиҳ инсонларни эъ-зозлаган. Ҳатто, улар ўтгандан сўнг ҳам қабрларини обод этиб, зиёратгоҳларга айлантирган. Бундай муқаддас жойлар-ни зиёрат қилиш эса одамларни ислоҳ қилган, инсофли-диб-натли бўлишга, ўзидан фақат яхшилик қолдиришга чорлаган.

ТАРИХИМИЗНИНГ Илсиз Илсими

Дарҳақиқат, юртимизда тарихий ёдгор-ликлар жуда кўп. Турли асрларда бунёд этилган, не-не сурони даврларнинг шоҳи-ди бўлган, ҳар бири мазмунини бир парча-си сифатида сақлаб қолган мадраса, мақбара, масжид, хонақоҳ ва зиёратгоҳлар тарихимизнинг тилсиз тилсимидир. Зиё-ратгоҳларни ўрганиш бир вақтнинг ўзи-да меъморий обидалар тарихини тадқиқ этишда яқиндан ёрдам беради.

Тошкент воҳаси ҳам кўплаб олим у-залоплар, авлиё-анбиёлар етишиб чиққан муқаддас замин. Улардан бири Бўстонлик туманининг Богистон қишлоғидаги виқорли тоғлар орасида мангу кўнм тоғдан улғу мутасаввиф доғишман, илоҳиёт илми а-ломаси Шайх Умар Вали Богистонийдир.

Алломанинг зиёратгоҳи сўлим қишлоқ-нинг 3 гектар майдонида жойлашган бўлиб, 2020-2021 йилларда қайта реконструкция қилиш учун умумий қиммати 7,5 млрд. сўм-лик лойиҳа ишлаб чиқилган. 2020 йилда 3 та мақбара, яъни Шайх Умар Вали, улар-нинг аёллари Қуронжон ая ҳамда хиян-лари Хўжа Довуд мақбараларининг қури-лиш ишлари учун давлат бюджетидан 2,5 млрд. сўм маблағ ажратилган. Айни дамда бу ерда қурилиш ишлари қизгин кетаяпти. Режага кўра, 2021 йилда зиёратгоҳда қу-рилиш тўлиқ якунланиб маҳаллий ва хо-рижий зиёратчилар учун қулай шароитлар яратилади.

Вилоят Маданий мерос бошқармаси бошлиғи билан зиёратгоҳда амалга оши-рилаётган бунёдкорлик ишларини ўрга-ниш жараёнида тилсиз тарихдан сўзловчи

беришларича, Шайх Умар Вали жуда ҳам бадавлат бўлсада, бутун умр деҳқончилик билан шуғулланган, сахий ҳамда камбағал-ларнинг ҳомийси бўлган. Кўнига учтадан дошқозонда таом тайёрлатиб, камбағал-ларга тарқатган. Ўзи миниб юрган отнинг тақасини олтидан асатиб, миҳ ўрнига от-нинг туёғини оддий чўп билан қотирган экан. Бундан мақсад, от юрғанда тақа ту-шиб қолсин, бирор камбағал топиб олиб, эҳтиёжига ишлатсин, деган экан...

Шайх Умар Вали Богистоний зиёрат-гоҳини зиёрат қилиб, қурилиш ишларини кузатар эканмиш ўтганлар ҳақиқига дуо қил-ди. Яратгандан юртимизга тинчлик, омон-лик, файз-барока сўрадик. Зеро, муқаддас қадамжоларни чин дилдан, ихлос билан зиёрат қилиш, ўтганлар ҳақиқига дуо ўқиш инсон руҳиятини софлайди, кўнгилларни равшан қилади.

Сайёра ФАЙЗИЕВА,
"Маънавият ва маърифат"
маркази вилоят бўлими раҳбари,
Халқ депутатлари
вилоят Кенгаши депутати

COVID-19

Тиббиёт узок олишувдан сўнг чечак устидан узил-кесил галаба қозонгани маълум. Аммо, у вақти-вақти билан ўзини эслатиб туради. "Испан гриппи" яшовчанликда бошқа турдош-ларидан қолшмайди: юз йил аввал жанда ҳалок бўлган аскарнинг суягида сақланиб қолган. Вабо бир вақтлар Европа аҳолисининг учдан бирини ҳалок қилган, 600 йил аввал шу касалликдан Рим аҳолиси бутун-лай қирилган.

Инсон ва вируслар ўртасидаги жанг, таниқли вирусолог Светлана Поспелованинг таъбирича, узок да-вом этадиган "самовий жанг"ларни эслатади. Вирусология фани ҳозир-гача 5 мингга яқин вирус турларини илмий жиҳатдан ўрганган, аммо улар-нинг сони миллиондан ортқ. Қураш ҳали-вери тугамаслиги аён ҳақиқат. Чунки, уларда шахсий тўқима йўқ, ўз ҳолича яшай олмайдди, кўпаймайдди ҳам. Бунинг учун у пайт пойлаб туриб, бирор тирик организм ёки бактериянинг тўқимасига кирмоқда ёпишиши ке-рак. Шундай қилса, орадан кўп ўтмай, янги-янги нусхалари пайдо бўлади. Ажабланирлики шундаки, тўқимадан чиққан вирус ҳалок бўлади, аммо янги нусхалар "ота-боболари" ишини давом эттириб, тўқималарни шитоб билан маҳв этишади. Бу иш баъзи қушлар-нинг макорлигини эслатади: улар бола очилуш учун ин қурмайди, аксинча, бош-қа қушларнинг тайёр иссиқина инидан фойдаланишади.

Олима вирус ва бактерия бир-бир-идан жиддий фарқ қилишига эътибор-имизни қаратади: "Гриппга чалинган ёки вирус юктириб олган киши дарҳол аптекадан антибиотик дори сотиб ол-ди. Бу воситалар билан вирусга қар-ши курашиб бўлмастлигини билмайди. Бунинг учун бевосита вирусга қар-ши махсус дори воситалари керак. Бакте-рия ва вирусларнинг ҳажмини макро ва микроорганизм сифатида Қўёш ва Ерга таққослаш мумкин".

Бундан англашиладики, вакцинани топиш ва уни амалиётга татбиқ этиш билан бирга, асосий кучни инсон им-мунитетини тенгсиз "жанг"га тайёрлаш му-аммосига сарфлаш керак. Бошқа йўл йўқ. Баъзи вирусшунослар одамлар қизамиқ касали каби, эртани-кечми, барибир, коронавирус билан юзма-юз келиши муқаррар, деган фикрда собит туриб, "ажама-якка майдонга чиқиш" қанча эрта содир бўлса, шунча яхши", дейишмоқда. Бу икки йўлнинг қайси

бири муҳимлигини вақт кўрсатади. Шу ўринда бир нисбий мисол. Эл-юртада ҳурмат-эътиборли табиблардан бири қизил мева ёки сабзавот тановул қилса, баданига аллергия тошадиган беморларни айнан шу егуликлар бил-лан даволаганидан хабардорман. "Пит-мидор ёки қулупнай есангиз, тошма тошади, марҳамат, шу икки нарсани устма-уст еяверинг, кўнига беш-олти маҳал босиб-босиб енг, тўйиб енг, ётиш

НАЖОТ ЙЎЛИ

ёхуд коронавирусга қарши курашда галаба остонасида турган профессорнинг сирли йўли

кат олимлари инсон тўқималаридан ко-ронавирус деган офатни 48 соат ичида хайдаб чиқарадиган дорини топганла-ри айтилса, иккинчисидан CNN канали худди шундай муваффақиятга эришиш арафасида турган олим – Питсбург университетини профессорини Бинг Лю ўз уйида отиб ўлдирилганини хабар қи-лади. Бирор фикр билдириш қийин, аммо вакцинанинг бир ёки икки-уч мамлакат-да ишлаб чиқарилиши муаммони тўла

ажабланарлидир. Машҳур Билл Гейтснинг фикрла-рига қўлоқ тутаётган "Сайёраим Зика, Эбола, SARS, MERS каби кўплаб ви-русларни бошдан ўтказди. Одамлар эпидемияларнинг оқибатлари нақадар дахшатли эканлигини тушунишлари учун шуларнинг ўзи етарли дея вақтида оғохлантирган эдим. Эпидемияларга тайёр эмаслигимиз ҳақида, балки, агар илм-фанга инвестиция киритсак, улар-га қарши тайёр була олиши-миз ҳақида ҳам гапирган-дим. Лекин, афсуски, бунга эътибор бўлмади, керагидан анча кам иш қилинди. Вак-

цинанинг кўпгина мамлакатларида бу-гун коронавирусга қарши махсус ва-кцина яратилиши жиддий тадқиқот-лар олиб борилмоқда, очик, ёпиқ ла-бораториялар тинимсиз ишламоқда. Кимдир муваффақият остонасига яқин келиб қолган, бошқа бир олим сўнги синов тажрибаларини бошлаб ю-борган бўлиши мумкин. Иккинчи томон-дан, бу вирус табиий яратилмади ёки илмий тафаккур ҳосиласими, деган баҳс авж олмоқда. Ҳар бир томон ў-зининг қарашларини исботлашга урина-ётир. Улар орасида Хитойнинг Ухань шаҳридаги лабораторияга ишора қи-лиш кўпроқ; бу ерда олимлар кўрша-палаклар билан ишлашаётгани матбу-отда кўп бор айтилди. "Мир новостей" газетасининг шу йил 19 февраль со-нида эълон қилинган мақолада Гуанч-жоудаги Технология университетининг бир гуруҳ биолог олимлари томонидан тайёрланган маъруза ҳақида гап бо-ради. Маърузада коронавирус Уханьдаги лабораториядан қочиб чиққанлиги, у ерда олимлар 155 та, Хубэй вилоятида эса 450 та кўршапалак билан ишлаёт-ганлари, бу жониворлардан бири хо-димлардан бирининг кўлини тийлаб олгани айтилади. Хитой эса барча айбловларни ишончли тарзда рад эт-моқда.

Бир муддат аввал Америкадан ик-кита хабар келди. Биринчисидан мамла-катда эмас, дунёга, жамики инсония-тга тегишли касаллик. Шундай экан, вакцина атрофида бозор савдолари пайдо бўлиши яхши оқибатларга олиб келмайди. Бугунги глобал шароитда бу касалликни маълум бир ҳудудда йўқ қилиш муаммони ҳал этмайди, аксин-ча, ортиқча хотиржамлик, бепарволик янги муаммоларнинг эшигини очилиши мумкин.

Босма ва интернет нашрларида бу-гун етакчилик қилаётган мавзулардан бири – пандемиядан кейинги ҳаёт, на-тижа ва оқибатлар ҳақида. Бу хусусда шу қадар кўп гапирилмоқдаки, корона-вирус анчадан бери мудраб ётган ил-мий тафаккурни жонлантириб юр-ди, дейишдан ўзга чора йўқ. Тахмину фаразлар, эътиборсиз қолдирилган оғохлантиришларнинг сон-саногига етиб бўлмайди. Пандемия боис, дунё-да ҳаддан ташқари кўп вирусолог олимлар мавжудлигини билиб олдик, аммо уларнинг иш услублари, тақлиф ва мулоҳазалари бир-биридан анча фарқ қилиши, ҳурмат билан айтганда,

қандайдир ютуқлар бўлгандир, аммо диагностика, вирусга қарши дори-дармон, антитана-чаларни ишлаб чиқиш механизмлари-ни ўрганиш, яъни ривожлантиришимиз зарур бўлган соҳаларга келганда, ҳеч қандай қўллаб-қувватлаш қузатилма-ди. Энди эса ҳаво томчилари орқали юқадиган вирусга дуч келдик. Афсуски, менинг салбий прогнозларим ўзини оқламоқда..."

Билл Гейтснинг фикрича, касаллик пайдо бўлгач, кўпчилида бегонала-шиш ҳисси кучаяди. Бунга йўл қўймас-лик керак. Одамлар жисмоний изо-ляцияга киришар экан, шу билан бир қаторда, хоҳ бу озиқ-овқат, дори-дар-мон, кексаларни қўллаб-қувватлаш, изоляция пайти ўзаро руҳий-маънавий ёрдам бўлсин, барча ресурсларни бир-лаштирадиган жамият яратилиш даркор. Бу дегани пандемия дахшатли нарса

моқда. Бундай психологик ҳо-латдан ўзларининг ноҳилис мақ-садларида фойдаланувчилар бор. Карантин шароитида кўп-лар даромадининг бир қисмини йўқотади, бошқа кимлардир эса но-ложлик ҳолатига тушганлар ҳисобига мўмай пул ишлаб олади. Баъзи мамла-катларда кўпчилик карантин муддатини ўзатириш тарафдори, бунинг боиси шуки, уларнинг бизнеси одамларнинг уйда қолиши билан боғлиқ.

Мақолага нуқта қўйиш олдида яна икки-учта хабар билан танишдик. Бун-дан анча йиллар аввал Нью-Йоркда осмондан ўлиқ кўршапалаклар ёғила бошлаган, орадан кўп ўтмай мамла-катни безақ офати қамраб олган экан. Бу воқеа шу йил 20 март куни, сўнг 6 апрелда Исроилда тақрорланибди. Одамлар орасида кўршапалакларнинг илми саратон касаллигини даволатиш мумкин деган миш-миш тарқалган, баъзи сохта тадбиркорлар тунда чи-вин билан озиқланадиган қўл-қанотли сутамизувчиларнинг уйини бузиб, му-май даромад топтоқчи ҳам бўлишган. Ухандаги лабораторияда кўршапалак-лар билан ўтказилган тажрибалар дастлаб АҚШда бошланган экан.

Дунёда кечаётган бугунги мураккаб жараёнлар, пандемия ва унинг асо-ратлари хусусида таниқли олим Азиз Нурбеков шундай дейди: "Бу офатнинг дастлаб Хитойда пайдо бўлиши, сўнг Италия ва Испанияни забт этиши, у-ндан кейин океан ортига етиб бориб, Нью-Йоркда мустаҳкам жойлашиши, у ердан Россияга қайтиши, жүррофий жиҳатдан олганда ҳам бежиз эмас. Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунё-нинг етакчи мамлакатларида оғир са-ноат узлуқсиз ривожланмоқда. Дунё бозорлари, савдо йўллари, олди-сотди қонун-қоидалари бўлиб олинган, бу ҳу-дудда янги аъзоларнинг пайдо бўли-шини ҳамма ҳам бирдек хошлаётгани йўқ. Коронавирус пандемиясини бозор ўқудларини қайта тақсимлаш, ҳеч бўлмаганда, шу кунги мавқени сақлаб қолши билан боғлоса бўлади. Бунинг учун эса, ўзига хос "перезаргузка" керак бўлади".

Бу фикрга қўшилмаслик мумкин эмас. Сўнги ҳисоб-китобларга қара-ганда, шу йилнинг дастлабки уч ойида дунё бойларининг шахсий пули 600 миллиард долларга кўпайган. Мана сизга, пандемия!

Нима дейиш мумкин? Одамзот қилғиликни қилиб қўйиб, айбни шайтонга тўнқаша қадим-қадимлардаёқ одат тусини олган. Балки бу гал шайтондан ҳам хижолат тортиб, ҳаммасини қулоғи яхши эшитмай-диган кўршапалакка ағдараётгандирмиз?..

Аҳмадҷон МЕЛИБОВЕВ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга қўйилган. Нашр кўрсаткичи – 205. Буюртма Г-943. 4 278 нусхада чоп этилди. Ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А–2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар: Қабулхона: (71) 233-64-95
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахо-насида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Электрон почта: toshkenthaqiqati@gmail.uz // th-tp@inbox.ru

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги офисимиз:
100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусоҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА

Навбатчи
Шахриёр
ИБРАГИМОВ